SIR Publishers
CENTER FOR INTERNATIONAL SCIENTIFIC PUBLICATIONS
JOURNAL OF LANGUAGE AND LIGUISTICS
ISSN(Online): 2984-7109
SJIF Impact Factor | (2023): 5.2 |
Volume-6, Issue-4, Published | 20-11-2023 |

# CRITERION OF IDEOMATIVITY IN PHRASEOLOGICAL UNITS

https://doi.org/10.5281/zenodo.10156820

**Azamov Omadjon Burkhanovich**
*Uzbekistan, Andijan*
*kamronmirzo79@mail.ru*

**ABSTRACT**

This article discusses the categories of idiomaticity of phrases when distinguishing phraseological units from other lexical units.

**Key words**

phraseology, lexeme, idnomativlik, component, yahlitlik, functionality, metaphorization

# ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ИДЕОМАТИВЛИК МЕЪЗОНИ

**Азамов Омаджон Бурхонович**
Ўзбекистон, Андижон
kamronmirzo79@mail.ru

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются категории идеоматичности словосочетаний при различении фразеологизмов от других лексических единиц.

**Ключевые слова**

фразеология, лексема, идноmативлик, компонент, яхлитлик, функционал, метафоризация

Маълумки, фразеология тилдаги турғун сўз бирикмаларини ўрганадиган фан соҳасидир. Фразология терминини тилга олар эканмиз, кўз олдимизга тилдаги бутун турғун сўз бирикмалар келади. Муаммони тадқиқ қилишда олдимизда бир масала кўндаланг туради: Фразеологик бирликларни(кейинги ўринларда ФБ) бошқа шаклдош сўз бирикмаларидан (композиталар ва эркин сўз бирикмалар) қандай ажратамиз? Айнан шу савол кўпчилик тилшунос олимларни машғул қилган. ФБ ҳам лексемалар ҳисобланади (икки томонлама тил бирликлар), аммо одий лексемалардан фарқ қилади. Лексемалар муайян шаклга келган линвистик белгилар ҳисобланади, турғун сўз бирикмалари эса ўзига хос шаклга эга бўлган

JOURNAL OF LANGUAGE AND LIGUISTICS
ISSN(Online): 2984-7109
SJIF Impact Factor | (2023): 5.2 |
Volume-6, Issue-4, Published | 20-11-2023 |

лексемалардир. Бошқа турдаги сўз бирикмаларига нисбатан ФБда семантик идеомативликнинг мавжудлигини олимлар улар ўрасидага ягона фарқ деб билишган.

Айни пайтда турғун иборалар асл моҳиятининг мураккаблиги шундаки, фразеологик компонентларнинг идеомативлиги барча бўлакларга даҳлдор бўлмаслиги мумкин. Гарчи компонентлар ФБнинг бир қисмига айланиб улгурган бўлсада, улардан бири ёки бир нечтаси ўзининг узуал (аслий) эркин маъносини сақлаб қолиши мумкин. Шундай экан фикримизни тўла ва қисман идиоматив ибораларга қаратамиз.

а) Тўла идиоматив ФБ.

Тўла идиоматив фразеологизмда унинг таркибидаги барча компонентлар семантик трасформацияга учрайди.

Масалан:

• vom Fleisch fallen- abmagern(озимоқ)

• j-m zu schaffen machen- eine Last für j-n sein(кимгадир юк бўлмоқ)

• mit j-m noch ein Hühnchen zu rupfen haben- sich mit j-m

aussprechen wollen und ihm das unter leichter Drohung ankündigen(ким билaндир гаплашиб ҳаддини билдирмокчи бўлмоқ)

в) Қисман идиоматив ФБ

Юқорида айтиб ўтилганидек, фразеологизм таркибидаги бир ёки бир неча компонент семантик трансформацияга учрамай, аксинча ўзининг эркин фраземэкстерн маъносини сақлаб қолиши мумкин, бундай иборалар қисман идиомативдир.

Мисоллар:

• von Tuten und Blasen keine Ahnung haben - etw. nicht wissen oder können(ниманидир билмаслик ёки қила олмаслик).

Ушбу мисолада "Tuten und Blasen"(полиэтилен холта ва пуфаклар) компонентлари идиоматив маънога эга, "keine Ahnung haben"(ҳеч қандай хабарга эга бўлмаслик) компоненти эса ўзининг эркин маъносини сақлаб қолган.

• sich ins Fäustchen lachen- heimliche Schadenfreude empfinden (енг ичига кулмоқ)

Мисолада " ins Fäustchen" (муштига) компоненти идиоматив маънога эга, "sich lachen"(кулмоқ) компоненти эса ўзининг эркин маъносини сақлаб қолган.

Машҳур немис тилшунос олимлари В. Флайшер ва Ҳ. Бургер ФБ устида тадкиқотлар олиб боракан, улар иборалардаги идиомативликни 2 турга бўладилар.

JOURNAL OF LANGUAGE AND LIGUISTICS
ISSN(Online): 2984-7109
SJIF Impact Factor |(2023): 5.2|
Volume-6, Issue-4, Published |20-11-2023|

а. Луғавий маъносини сақлаб қолган ва биз уларнинг семантик трансформациясини метафорик жараён асосида англаб олишимиз мумкин бўлган ФБларни очик (шаффоф) метафоризациялар деб атадилар.

б. Агар ФБнинг метафорик образлилиги сўзловчига тушунарли бўлмаган тарихий шарт шароитларга боғлиқ бўлиб, уларни англаш теран этимологик омилларни билишни тақозо этадиган бўлса, бундай ибораларни ёпиқ метафоризациялар деб номладилар.

Ёпиқ метафоризацияларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

• j-m geht ein Seifensieder auf einen Narren- кимгадир ҳаммаси тушунарли,

аниқ, равшан бўлмоқ.

Компонентлар луғавий маъноси:

j-m- кимгадир

geht- кетияпти

ein Seifensieder- совунгар

auf einen Narren- ахмоқ устига

• an j-m gefressen haben- кимнидир жондан яхши кўрмоқ

an j-m- кимдадир

gefressen haben- еб қўйган бўлмоқ

• alle(s) über einen Leisten schlagen- ҳаммасини ўз қаричи билан ўлчамоқ

alle(s)- ҳаммасини

über einen Leisten- битта қолиб устига

schlagen- урмоқ

Мисоллардан кўриниб турибдики, ёпиқ метафоризацияларда ФБнинг маъносини компонентларнинг луғавий маъноси асосида топиш қийин, сабаби ФБлардаги иш- ҳаракат тарихда бўлиб ўтган турли хил воқеларга боғлиқ. Мисол ўрнида “auf der Bärenhaut liegen” иборасини этимологиясига эътибор берайлик. Қадимги Рим тарихчиси Тацитуснинг “Germania” асарида ёзилишича Герман қабилалари дастлаб овчилик орқали кун кечиришган. Қабила аёллари уй- рўзғор ишлари билан банд бўлган бўлса, эркаклар фақат овга чиқишган ёки ўзаро қабила урушларида иштирок этган. Бошқа пайтларда эса ўзлари овлаган айиқ терисидан қилинга пўстинларга ўраниб ётишган. Кейинчалик Германларнинг бу одати немис тилида иборага айланган ва бекорчи ҳамда дангаса одамлар образини ифодалаб келган[4, с.90]. Бу каби иборалар ўзларининг тарихийлигига қарамай тил бирлиги сифатида эътиборли даражада муқим яшаб келмоқда.